



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2026 йил 28 март, № 60 (9231)

Шанба

Сайтимидаги Утиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ИККИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ БУХОРОНИНГ ТАРИХИЙ ВА ЗАМОНАВИЙ ДУРДОНАЛАРИ БИЛАН ТАНИШДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон 26-27 март кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлди.



Давлат раҳбарлари ташрифнинг иккинчи куни қадимий Бухоронинг тарихий обидаларини зиёрат қилиб, саннат корхоналари фаолияти билан танишдилар.

Бухоро халқаро аэропортида давлатимиз раҳбари Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмонни кутиб олди. Тантанали кутиб олиш маросимида олий мартабали меҳмон шарафига миллий қўшиқ ва рақслар ижро этилди.

Қадимий Бухоро азалдан ўзининг беназир тарихий, меъморий ва маданий бойликлари билан машҳур бўлиб, асрлар давомида фан, ислом

илми ва маънавият марказларидан бири сифатида танилган. Ёши 2,5 минг йилдан ошган шаҳарнинг тарихий марказига 1993 йилда ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси объекти мақоми берилган.

Олий мартабали меҳмон дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Баҳоуддин Нақшбанд мақбарасини зиёрат қилди.

Мажмуа ислом оламининг улғу кадамжоларидан бири ҳисобланади. Мазкур зиёратгоҳ Нақшбандия тариқатининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд дафн этилган жойда барпо этилган бўлиб, бугунги кун-

да мақбара, хонақоҳ, масжидлар, даҳма ва сўфийлик тарихи музейини ўз ичига олади. Баҳоуддин Нақшбанд таълимнинг эзгу тамойили — “Дил ба ёру, даст ба қор” шиори инсонни меҳнатсеварлик ва руҳий покликка даъват этиши алоҳида таъкидланди.

Сўнг Сомониёв мақбарасига ташриф буюрилди. Ушбу меъморий ёдгорлик Марказий Осиёда пишиқ гиштан бунёд этилган энг қадимий иншоотлардан бири ҳисобланади. У IX аср охири X аср бошларида Сомонийлар давлати асосчиси ва биринчи ҳукмдори Исмоил Сомоний томонидан

сулолавий мақбара сифатида қурилган.

Унинг меъморий қиёфасида нафақат ислом, балки исломдан аввалги давр анъаналари, жумладан, суғд маданиятига хос нақшлар ҳам ўз аксини топган. Таъкидланганидек, қуёш нурларининг тушишига қараб, мақбара нақшлари турлича жилоланади, бинонинг куб ва гумбаз шаклидаги композицияси эса Ер ва Осмон уйғунлигини рамзий ифода этади.

Қалинлиги қарийб икки метрга етадиган деворлар ҳамда юқори сифатли гишт терими туфайли ушбу ноёб ёдгорлик бугунги кунгача яхши сақланиб қолган.

Мақбараларга зиёрат чоғида Қуръон тиловат қилиниб, ўтганларга раҳмат, юртимизга тинчлик ва фаровонлик тилаб, дуо қилинди.

Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан биргаликда Арк қўргони, Пои Калон ва Лаби Ҳовуз мажмуалари билан танишди.

Арк қўргони Бухоронинг қадимий қалъаси бўлиб, қарийб 1500 йил давомида ҳукмдорлар қароргоҳи сифатида хизмат қилган. Унинг дастлабки бинолари милоддан аввалги IV-III асрларга мансуб бўлиб, ҳозирги қўриғини, асосан, XVI асрда шаклланди. Илгари у саройлар, маъмурий бинолар, қуролхонани ўз ичига олган “шаҳар ичидаги шаҳар” бўлган. Урта асрларда бу ерда Рудакий, Ибн Сино ва кейинчалик Умар Хайём каби буюк мутафаккирлар яшаб, ижод қилгани қайд этилди.

Пои Калон мажмуаси Бухоронинг энг улғувор ва машҳур меъморий ансамблларида бири сифатида Тожикистондаги меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди. У 1127 йилда қурилган машҳур 45,6 метри минора, 1514 йилда

барпо этилган ва 12 минг кишини сиғдира оладиган жоме масжиди, шунингдек, ислом оламининг энг нуфузли таълим муассасаларидан бири ҳисобланган Мир Араб мадрасасини ўз ичига олади. Масжид ҳовлисини ўраб турган 288 та гумбазли галерея, юзлаб устунлар ва ноёб акустика мажмуага алоҳида улғуворлик бағишлайди.

Лаби Ҳовуз ансамбли Бухорода сақланиб қолган ўрта асрларга оид санокли майдонлардан бири бўлиб, унинг марказида қадимий ҳовуз жойлашган. Асрлар давомида шаҳар аҳолиси бу ерга дам олиш, суҳбатлашиш ва савдо қилиш учун келган. Мажмуа таркибига Қўқалдош мадрасаси, Нодир Девонбеги мадрасаси ва хонақоҳи қиради.

Тожикистон етакчиси ҳар бир тарихий обиданинг бадий уйғунлиги, миллий хунармандчилик намуналари ва тарихий экспонатларга катта қизиқиш билдирди. Олий мартабали меҳмонга меъморий услубнинг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, нақшлар ва рамзларнинг мазмун-моҳияти ҳақида батафсил маълумот берилди.

Бухоронинг бой тарихи, Буюк Ипак йўлидаги ўрни, илм-фан ва маданият ривожига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида ҳикоя қилувчи бу қадамжолар Тожикистон делегациясида чуқур таассурот қолдирди.

Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида мамлакатимиз энгил санъатининг имкониятлари билан ҳам танишди.

Давлат раҳбарлари Бухоро вилоятидаги “Мергантекс” пахта-тўқимачилик кластери таркибидagi “Нигора” фабрикасига ташриф буюрдилар.

Қиймати 35 миллион долларлик лойиҳа доирасида ташкил этилган фабрика пахта хомашёсини қайта ишлашдан тортиб, тайёр мато ва кийим-кечак тайёрлашга бўлган узлуксиз ишлаб чиқариш занжирини йўлга қўйган.

“Shoyigul” савдо белгиси остида ишлаб чиқарилаётган тикув-трикотаж ва тайёр кийим маҳсулотлари, асосан, Европа мамлакатлари, хусусан, Италия, Австрия, Буюк Британия ва Германияга экспорт қилинмоқда. Бу ерда 840 та иш ўрни яратилган.

Корхонада халқаро стандартларга жавоб берувчи замонавий юқори технологик ускуналар Хитой, Германия ва Бельгиядан олиб келинган. Иккинчи босқичда синтетик толарлар ва ундан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши режалаштирилган.

Олий мартабали меҳмонлар корхонанинг шоу-румини ва тайёр маҳсулотлар намоишини кўздан кечирдилар.

Йилига 10 миллион долларлик экспорт қилаётган фабрика маҳсулотларининг сифати Тожикистон делегацияси томонидан юқори баҳоланди.

Президентлар мамлакатлари-мизнинг илғор корхоналари ўртасидаги кооперацияни кенгайтириш муҳимлигини таъкидладилар.

Тадбирлар аяқунлангач Бухоро халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев кузатиб қўйди.

Шу билан давлатимиз раҳбарининг Бухоро вилоятига ташрифи аяқунланди.

Иқром АВВАЛБОВ,
Абдулазиз РУСТАМОВ,
Зариф КОМИЛОВ,
ЎЗА мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШГА КЕЛИШИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев Корея Республикаси Миллий Ассамблеясининг Ташқи ишлар ва бирлашиш қўмитаси раиси Ким Сок Ки билан учрашди.

Учрашув

Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги муносабатлар ишонч, ўзаро ҳурмат ва стратегик шериклик тамойиллари асосида изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди, олий даражадаги мулоқотлар доирасида эришилган келишувларнинг амалий ижроси ижобий баҳоланди.

Парламентлараро алоқалар сўнгги йилларда янги босқичга кўтарилди, хусусан, Тошкент шаҳрида Марказий Осиё давлатлари ва Корея Республикаси парламентлари раҳбарларининг учинчи йиғилиши самарали ўтди. Ушбу формат долзарб масалаларни муҳокама қилиш ва уларга биргаликда ечим топиш учун самарали платформа экани қайд этилди.

Учрашувда парламентлараро ҳамкор-

лик гуруҳлари фаолиятини фаоллаштириш, олий даражадаги келишувлар ижроси устидан парламент назоратини кучайтириш, тегишли қўмиталар ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан фикр алмашилди.

Ўз навбатида, қўнунчилик соҳасида тажриба алмашиш, жумладан, “яшил” иқтисодиёт, сунъий интеллектни жорий этиш ва камбағалликни қисқартириш каби йўналишларда ҳамкорликни кенгайтиришга келишиб олинди. Шунингдек, савдо-иқтисодий, инвестиция, туризм, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларидаги шерикликни фаоллаштириш муҳимлигига урғу берилди.

Учрашув якунида томонлар парламентлараро алоқаларни янада чуқурлаштиришга тайёр эканини тасдиқлади.

«Халқ сўзи».

ЯНГИ БОСҚИЧ ВА СТРАТЕГИК ИСТИҚБОЛЛАР

Дунёдаги геосийосий ва иқтисодий жараёнлар тобора шиддатли тус олган бугунги кунда минтақамизда давлатлараро ишонч, яхши кўшничлик ҳамда стратегик шериклик муносабатлари ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу нуқтаи назардан, куни кеча Қўқсарой қароргоҳида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон ўртасида ўтказилган музокаралар ҳамда Олий давлатлараро кенгашининг биринчи йиғилиши нафақат икки томонлама муносабатларда, балки бутун минтақа тараққиётида муҳим воқеа бўлди.

Бу ташрифнинг тарихий аҳамияти, аввало, икки халқни асрлар давомида боғлаб келган дўстлик ва ҳамжиҳатлик ришталарини янги босқичга олиб чиққанлиги билан изоҳланади. Икки давлат раҳбарлари таъкидлаганидек, Олий давлатлараро кенгаши формати му-

носабатларни сифат жиҳатдан янги даражага кўтариб, амалий ҳамкорликни янада институционаллаштиришга хизмат қилади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги алоқалар жадал ривожланиб бораётгани, албатта, таҳсинга сазовор.

Ҳукуматлар, парламентлар ва турли идоралар ўртасидаги мулоқотлар тизимли тус олди. Бу эса ўзаро ишончни мустаҳкамлаш билан бирга, иқтисодий ва гуманитар алоқаларни кенгайтириш учун мустаҳкам замин яратмоқда.

Ташриф арафасида ўтказилган Ҳукуматлараро комиссия йиғилиши, саннат кўрғазмалари ва турли форумлар икки давлат ўртасидаги ҳамкорликнинг амалий мазмунга эга эканини яна бир бор намоён қилди. Айниқса, маданият ва кино кунларининг ташкил этилиши халқлар ўртасидаги маънавий яқинликни янада кучайтириши, шубҳасиз,



Депутатлар — ҳудудларда

МУЛОҚОТЛАР ҚИЗГИН ВА ФОЙДАЛИ БЎЛДИ

Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси депутатлари шу ҳафтада ҳудудларда бўлиб, аҳолини ўйлантираётган масалаларга ечим топиш, амалга оширилаётган ислохотлар натижадорлигини ўрганиш мақсадида сайловчилар билан очик мулоқотлар ўтказди. Асосий эътибор фуқаролар мурожаатлари ва уларнинг ечимига қаратилиб, бу борадаги ишлар атрофида таҳлил қилинди.

Ижтимоий масалалар диққат марказида

Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси депутати Фирдавс Шарипов Денов туманида бўлиб, аҳоли билан учрашувлар ўтказди.

Дастлаб депутат камбағаллик даражаси юқори бўлган огир тои-

фадаги “Янги ҳазарбоғ”, “Жамат” маҳалла фуқаролар йиғинларида бўлиб, амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳалар, “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурининг йўналишлар кесимида ижро этилиш ҳолатини ўрганди.

Учрашувда маҳаллаларни обод

қилиш, одамлар ҳаётини яхшилаш ва тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантириш бўйича таклифлар берилди.

Шундан сўнг депутат жорий йилда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурининг ижроси бўйича тумандаги 68 ва 27-мактабларни реконструкция қилиш ишлари билан танишди. Пудратчи, лойиҳачи, буюртма берувчилар билан мулоқотга киришиб, қурилишни ўз мuddатиде ва сифатли тарзда амалга ошириш бўйича тавсиялар берилди.

Шунингдек, халқ вакили Денов тумани ички ишлар бўлимида ҳам

ТИЗИМЛИ ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА

Тарихий яқинлик ва муштарак қадриятлар қанчалик муҳим бўлмасин, давлатлараро муносабатларнинг ҳақиқий қиймати аниқ натижалар, рақамлар ҳамда инсонлар ҳаётидаги ўзгаришлар билан ўлчанади.

Тожикистон Республикаси Президенти икки кунлик давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлгани ана шу жиҳатдан янги босқични бошлаб берди. Қўқсарой қароргоҳида ўтган Олий давлатлараро кенгашининг биринчи йиғилиши нафақат сиёсий мулоқот, балки аниқ иқтисодий ва институционал қарорлар қабул қилинган майдонга айланди.

Сўнгги йиллардаги энг муҳим кўрсаткичлардан

бири ўзаро савдо ҳаммининг қарийб 1 миллиард долларга етганидир. Бу рақам ортда ишлаб чиқариш занжирларининг тикланаётгани, тайёр маҳсулотлар айирбўлаш улushi ортиб бораётгани мумкин. Энди эса томонлар олдида янада катта вазифа қўйилди — яқин истиқболда ушбу кўрсаткичини 2 млрд. долларга етказиш. Мазкур мақсад аниқ механизмлар билан таъминланмоқда.

Ташриф давомида имзоланган ҳужжатлар пакети ўзининг қамрови билан ажралиб туради. Савдо, саннат, соғлиқни сақлаш, фан, инновация, туризм ва агросаннат соҳаларини қамраб олган дастурлар 2026 — 2028 йилларга мўлжалланган аниқ режалар билан бойитилган. Бу эса ҳамкорликни қисқа мuddатли эмас, балки тизимли ва барқарор ривожланиш йўлига ўтказди.

Сув ва энергетика масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани ҳам муҳим. Марказий Осиё шароитида бу йўналишлар нафақат иқтисодий, балки стратегик аҳамиятга эга.



бўлиб, Президентимизнинг “2025 йилда республика маҳалла-ла-ла-ла хавфсиз муҳитни яратиш ва хуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан олиб борилаётган ишларни ўрганди. Мазкур қарорда назарда тутилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш бўйича тегишли тавсиялар берилди ҳамда амалиётда учраётган муаммолар тингланди.

Кейинги манзил — тумандаги “Буюк Ипак йўли” маҳалла фуқаролар йиғини бўлди. Депутат бу ерда амалга оширилаётган ишлар билан

танишиб, “маҳалла еттилиги” фаолиятини ўрганди. Мулоқотлар чоғида қатор таклифлар олинди. Тумандаги “Кизилжар” маҳалла фуқаролар йиғинида аҳоли мурожаатлари тингланди. Хусусан, маҳалла фаоллари, нуронийлар томонидан ички йўлларни таъмирлаш, электр таъминоти ва оқова сув муаммоси, пиёдалар йўлакчасини қуриш, асосий йўлда светофор ўрнатиш орқали чорраҳани тартибга солиш каби масалалар юзасидан мурожаатлар қилинди. Уларнинг айримлари жойида ҳал этилган бўлса, баъзиларининг ечимлари назоратга олинди.



Сенат кўмитасида

АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИНИ САҚЛАШ МУДДАТЛАРИ АНИҚЛАШТИРИЛМОҚДА



Олий Мажлис Сенати Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси ишчи гуруҳининг кеча бўлиб ўтган йиғилишида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун муҳокама марказида бўлди.

Тадбирда кўмита аъзолари, маҳаллий Кенгашларнинг тегишли доимий комиссиялари раислари, экспертлар, тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Айтилганидек, ушбу қонун билан "Архив иши тўғрисида"ги Қонунга архив иши соҳасидаги ваколатли давлат органларининг ваколатларини, нодавлат ва электрон архивларни ташкил этишга доир қоидаларни ҳамда архив ҳужжатларини идоравий архивларда вақтинча сақлаш муддатларини аниқлаштирувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.



Шунингдек, "Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги Қонунга ҳам қўшимчалар киритиш кўзда тутилмоқда. Унга кўра, тадбиркорлик субъектларига амалга оширилиши учун лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат олиш талаб қилинадиган фаолият (ҳаракатлар) билан "Бизнесга лицензиясиз кириш" махсус режими доирасида лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат олмадан уч ой муддат давомида шугулланиш имконияти яратилади.

Қонун ташаббускорлари ушбу ҳужжат архив ишининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашга, фуқароларни тадбиркорлик соҳасига кенгроқ жалб этишга хизмат қилишни таъкидлашди.

Муҳокама якунида ушбу қонунни навбатдаги кўмита мажлисида қўриб чиқишга қарар қилинди.

Ҳамкорлик

МАҚСАД — ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ СИФАТИНИ ОШИРИШ

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитаси ҳамда "Тараққиёт стратегияси" маркази ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Мазкур ҳужжат парламент назоратини илмий-услубий жиҳатдан мустаҳкамлаш ҳамда қонун ижодкорлиги сифатини оширишга қаратилган.

Ушбу ҳамкорлик парламент фаолиятини илмий-таҳлилий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни, қонун ижодкорлиги фаолиятининг самарадорлигини оширишни, қонунчилик жараёнига илмий ёндашувни кенг жорий этишни назарда тутди.

Шу билан бирга, жамоатчилик назоратини кучайтиришга, халқаро муносабатлар ва иқтисодий дипломатия масалалари юзасидан конференциялар, давра суҳбатлари ва очик мулоқотлар ташкил этишда экспертлар ҳамда фуқаролик жамяти институтларини кенг жалб қилишга эътибор қаратилади.

Вебинар

ҲАЁТ ЗАВҚИ САЛОМАТЛИК ВА ФАРОВОНЛИКДА

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг узоқ умр кўриш бўйича Европа минтақаси стратегияси лойиҳасида муҳокамага бағишланган вебинар бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси раиси ўринбосари Орал Атанязова онлайн форматда иштирок этди.

Тадбирда ЖССТ Европа минтақаси мамлакатларининг тегишли идоралари вакиллари ва экспертлар қатнашди. Асосий эътибор "Кексалик — бу ҳаёт: ЖССТнинг Европа минтақасида ҳаётнинг барча босқичларида инсонлар саломатлиги ва фаровонлигини таъминлашнинг 2026 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегияси" лойиҳасига қаратилди.

Тақлиф этилаётган ҳужжат кекса инсонларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, уларнинг мустақиллигини таъминлаш, ижтимоий ҳаётдаги иштирокини кенгайтириш ва ижтимоий алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган.

Тадбир якунида иштирокчилар ҳужжатнинг асосий йўналишлари бўйича фикр алмашди ва соғлом кексадаги ҳаётнинг илгари суриш соҳасида давлатларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш муҳимлигини таъкидлади.

«Халқ сўзи».

ЯНГИ БОСҚИЧ ВА СТРАТЕГИК ИСТИҚБОЛЛАР



Иқтисодий ҳамкорликка тўхтайдиган бўлсак, бугунги кунда ўзаро савдо ҳажми қарийб 1 млрд. долларга етгани муҳим ютуқдир. Бироқ мавжуд салоҳият бу билан чекланиб қолмайди. 2028 йилга бориб савдо айланмасини 2 млрд. долларга етказиш режаси аниқ ва амалий қадамлар билан мустаҳкамланмоқда.

Саноат кооперацияси бу борадаги энг устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Қурилиш, қишлоқ ҳўжалиги, тўқимачилик, электротехника ва фармацевтика соҳаларида амалга оширилаётган қўшма лойиҳалар нафақат иқтисодий самарадорликни оширади, балки янги иш ўринлари яратиш орқали ижтимоий барқарорликка ҳам хизмат қилади.

Транспорт ва логистика соҳасидаги ютуқлар ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Бугунги кунда икки мамлакат пойтахтлари ўртасида мунтазам авиақатновлар, автобус

ва темир йўл алоқалари йўлга қўйилган. Бу эса товар ҳамда хизматлар ҳаракатини жадаллаштириб, бизнес муҳитини янада яхшиламоқда.

Шунингдек, "Ойбек — Фотиҳобод" чегараолди савдо марказини барпо этиш, рақамли рухсатнома тизимларини жорий қилиш ва чегара инфратузилмасини модернизациялаш каби ташаббуслар икки томонлама савдонини янги босқичга олиб чиқиши, шубҳасиз.

Музокаралар доирасида йирик кооперация лойиҳаларининг ишга туширилиши ҳамкорликнинг амалий натижаларга йўналтирилганини кўрсатади. Турли ҳудудларда саноат корхоналарини ташкил этиш, озиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш каби ташаббуслар иқтисодий интеграцияни янада чуқурлаштиради.

Демак, Шавкат Мирзиёев ва Эмомали Раҳмон ўртасидаги очик, ишончли ва прагматик мулоқот

нафақат икки давлат ман-фаатларига, балки бутун Марказий Осиёда барқарорлик ва тараққиётни таъминлашга хизмат қиладиган муҳим сиёсий пойдеворни мустаҳкамлади.

Энг муҳими, мазкур учрашувлар ва қабул қилинган қарорлар расмий баёнотлар доирасида қолиб кетмай, аниқ иқтисодий натижалар, янги иш ўринлари, инфратузилма ривожини ва аҳоли фаровонлиги орқали ўз ифодасини топиши кутилмоқда. Бу эса давлатлараро муносабатларнинг реал мазмун билан бойиб бораётганини англатади.

Шухрат АСЛАНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси аъзоси.

ТИЗИМЛИ ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА

"Яшил" энергетика лойиҳаларини биргаликда амалга ошириш, сув ресурсларини рақамлаштириш ва самарали бошқариш бўйича қелишувлар келгусидаги барқарор тараққиётнинг муҳим омилга айланади.

Ўзбекистон ва Тожикистон Президентлари иштирокида "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида ўтказилган, икки мамлакат санъаткорлари ижросидаги анъанавий қўшма концерт биродар халқларимизнинг бой маданий меросини намойён этиш, узоқ тарихий қадриятлар ва маънавий ўзаро яқинликни ҳис қилиш имконини берди.

Ташрифнинг Бухорода давом этгани, айниқса, рамзий ва маънавий жиҳатдан чуқур маъно касб этди. Бухородаги Баҳоуддин

Нақшбанд макбараси ва Сомониёлар макбараси зиёрати орқали икки халқни боғлаб турган умумий илдизлар яна бир бор намойён бўлди. Шу билан бирга, Арк кўрғони, Пои Калон ансамбли ва Лаби Ҳовуз мажмуаси каби бетақдор тарихий обидалар билан танишув ташрифга алоҳида мазмун бахш этди.

Қарийб бир неча минг йиллик тарихни ўзида муҳасамалган Арк кўрғони, юксак меъморий ечимлари билан ажралаб турадиган Пои Калон ансамбли, шаҳар ҳаётининг асрлар давомидаги маркази бўлган Лаби Ҳовуз мажмуаси орқали Бухоро-

нинг Буюк Ипак йўлидаги ўрни, илм-фан ва маданият ривожига қўшган улкан ҳиссаси яна бир бор намойён этилди. Бу қадимжолар нафақат ўтмишнинг гувоҳи, балки халқларимизни бирлаштириб турган маънавий қўприк сифатида ҳам катта аҳамиятга эга. Бу эса тарихга эҳтиром билан ёндашиш орқали келажакни биргаликда барпо этишга бўлган қатъий ишонччи мустаҳкамлайди.

Мазкур жараёнларда парламентлараро ҳамкорликнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Қонунчилик палатаси депутатлари ва Тожикистон парламенти вакиллари ўртасидаги мулоқотлар, дўстлик гуруҳлари фаолияти бугунги қелишувларнинг ҳуқуқий ва институционал таъминлинишида муҳим ўрин тутди. Айниқса,

қабул қилинаётган дастур ва битимларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш, ижросини парламент назорати орқали таъминлаш долзарб вазифа ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қараганда, Олий давлатлараро кенгашининг биринчи йиғилиши икки мамлакат ўртасидаги қўприк дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарди. Ташрифга тайёргарлик доирасида ҳукуматлар, вазирликлар ва идоралар билан бир қаторда парламентлар, ҳудудлар, ректорлар ва олимлар ўртасида фаол мулоқотлар ҳамда қўшма форумлар уюштирилди, бу барча соҳада алоқаларнинг изчил ва тизимли ривожланаётганини намойён этди.

Тожикистон Республикаси Президентининг мамлакатимиздаги икки кунлик ташрифи муҳим воқеа сифатида тарихга кирди. Давлатимиз раҳбарининг сиёсий иродаси туфайли бугун Ўзбекистон ва Тожикистон муносабатлари рамзий дўстликдан илгарига ўтиб, Олий иқтисодий манфаатлар, амалий лойиҳалар ва ўзаро масъулият асосида шаклланди стратегик шериклик ва иттифоқчилик даражасига кўтарилди. Бу ҳамкорлик нафақат икки давлатнинг, балки бутун Марказий Осиё минтақасининг барқарор тараққиёти ва фаровонлиги учун муҳим пойдевор бўлиб хизмат қиладди.

Ҳилола ЮСУПОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Ўрганиш

Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитаси томонидан тузилган ишчи гуруҳ Навоий вилоятида атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар чиқарилишини камайтириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳолатини ўрганди.

ҲАВОНИ ИФЛОСЛАНТИРУВЧИ МОДДАЛАР НАЗОРАТИ КўНГИЛДАГИДЕКМИ?

Ишчи гуруҳ "Навоийазот" ҳамда "Навоий иссиқлик электр станцияси" акциядорлик жамяти фаолияти билан яқиндан танишди. Мазкур корхоналарда экологик барқарорликни таъминлаш, атмосферага чиқарилаётган зарарли моддалар ҳажмини камайтириш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар кўздан кеңирилди.

Жумладан, "Навоийазот" АЖ томонидан учта автоматик мониторинг станцияси ҳамда Навоий шаҳри ва Кармана тумани ҳудудларида 28 та стационар кузатув пункти ўрнатилган. Корхона атрофида "яшил" белбоғ барпо этиш ишлари ҳам амалга оширилган. Бундан ташқари, ушбу корхонага қарашли оқова сувларни тозалаш иншоотининг фаолияти ўрганилди.

Кармана туманида жойлашган "Навоий иссиқлик электр станцияси" АЖда ҳам атмосфера ҳавосига чиқарилаётган ифлослантирувчи моддаларни назорат қилиш мақсадида иккита автоматик станция ўрнатилган. Қолаверса, "Яшил макон" умум-миллий лойиҳаси доирасида "М-37" автомагистрали ёқасида 50 гектар майдонда манзарали дарактлар экилди, яшил ҳудуд барпо этилган.

Эътиборлики, ҳар икки корхонада ҳам юқори хавф даражасига эга ифлослантирувчи манбалардан автоматик намуна олиш тизимини жорий қилиш бўйича чоралар кўрилмоқда.

Ўрганиш доирасида ишчи гуруҳ томонидан қатор амалий тавсиялар берилди. Жумладан, йирик саноат корхоналари атрофида "яшил белбоғ"ларни кенгайтириш, атмосфера ҳавоси сифатини доимий мониторинг қилишнинг замонавий механизмларини жорий этиш, хавфли гидрометеорологик ҳолатлар ва ҳавонинг юқори даражада ифлосланиши юзасидан аҳолини эрта огоҳлантириш тизимини тақомиллаштириш зарурлиги алоҳида айтилди.

«Халқ сўзи».

МУЛОҚОТЛАР ҚИЗГИН ВА ФОЙДАЛИ БЎЛДИ

Бундан ташқари, "Ташаббусли бюджет" жараёнлари доирасида сайлов округида қолиб бўлмаган лойиҳалар орасидан аҳолининг кундалик ҳаётига ва ҳудудни ривожлантиришга бевосита таъсир қиладиган лойиҳалар сайловчиларнинг маънаватларини инобатга олган ҳолда ўрганилди.

Маҳалла — ислохотлар ва фаровонлик манзили

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Моҳира Ҳўжаева Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги "Бўстон" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб, ҳудуднинг ижтимоий қиёфаси ва аҳоли яшаш шaroитлари билан танишди.

Маҳалла фаоллари билан кечган қизгин мулоқотда "маҳалла еттилик"нинг ҳамкорликидаги фаолияти таҳлил қилинди.

Ўрганишлар давомида депутат асосий эътиборни оилаларни қамбағалликдан чиқариш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож катламни қўллаб-қувватлашни янги механизмларига қаратди. Хусусан, тадбиркорликка йўналтириш орқали даромад манбаини яратиш бўйича зарур тавсиялар берилди.

Маҳалла нафақат маъмурий бирлик, балки халқнинг дарди тингланадиган, ислохотларнинг амалий натижаси кўринадиган энг муҳим бўғин экани қайд этилди.

— Биз учун ҳар бир хонадоннинг ижтимоий ҳолати, ҳар бир фуқаронинг муаммоси муҳим. Маҳалла тизимини самарали ташкил этиш дегани, бу шунчаки ҳисобот бериш эмас, балки одамларнинг ҳаётида илҳомий ўзгариш ясаш демак, — дейди депутат. — Агар маҳалла фаоллари ҳар бир оила билан тизимли ишлаша, қамбағалликни қисқартириш ва ижтимоий адолатни таъминлашга тезроқ эришами.

Халқ вакили, шунингдек, Бўстонлиқ туманидаги аниқ ва табиий фанларга иштирослаштирилган мактабда ўқувчилар, педагогик жамоа билан учрашув ўтказди. Мазкур билим даргоҳида 500 нафар ўқувчи таҳсил олади ва 40 нафар педагог фаолият юрताди. Таълим жараёни 5 — 11-синфларни қамраб олади. Мактабда замонавий кутубхона, фан тўғараклари ва спорт мажмуотлари учун махсус хоналар мавжуд.

Таълим муассасаси жамоаси билан самимий мулоқот чоғида глобаллашув шарoитида экология ва атроф-муҳит муҳофазасининг долзарблиги, амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда бу жараёнда ёшлар олдидаги вазифалар батафсил муҳокама қилинди. Шунингдек, сўнгги йилларда таълим йўналишида олиб бори-

лаётган изчил ислохотлар, соҳага доир қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

Амалий тақлифлар илгари сурилди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Елена Компольщик Самарқанд шаҳридаги "Гулобод" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб, аҳоли турмуш даражасини ошириш борасида қилинаётган ишлар билан яқиндан танишди.

Мулоқотда, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка кенг жалб этиш ҳамда янги иш ўринлари яратиш масалаларига жиддий эътибор қаратилди. Фаол ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ташаббусларини ривожлантириш юзасидан ҳам қатор амалий тақлифлар илгари сурилди.

Ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш, инфратузилмани яхшилаш ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш каби устувор йўналишлар муҳокама марказида бўлди. Маҳалладаги жиноятчиликка сабаб бўлаётган оимлар таҳлил қилиниб, уларни камайтириш бўйича аниқ чоралар белгиланди.

Депутат, шунингдек, Самарқанд шаҳридаги Ҳазора ҳамда Богичинор маҳаллаларида бўлиб, ҳудуддаги 12 ва 54-мактабга таълим муассасалари, шунингдек, 66-умумтаълим мактаби фаолиятини ўрганди. Таълим сифати, яратилган шарт-шaroитлар ҳамда инфратузилма ҳолати таҳлил қилинди.

Хусусан, 54-давлат мактабгача таълим ташкилоти 1961 йилда қурилгани ва ҳозирда 120 уринга мўлжаллангани қайд этилди. Муассаса ҳудудидаги мавжуд ер майдонидан фойдаланиб, қўшимча бино қуриш имконияти борлиги таъкидланди. Шу билан бирга, болалар учун зарур мебель жиҳозлари етишмаслиги маълум бўлди.

Учрашувлар якунида депутат томонидан таълим муассасаларини ривожлантириш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва болалар учун янада қулай шaroитлар яратиш бўйича тақлиф ва тавсиялар айтиб ўтилди.

Халқ вакили Самарқанд шаҳридаги қатор табиий муассасаларида ҳам бўлиб, уларнинг фаолиятини яқиндан ўрганди. Аҳолига табиий хизмат кўрсатиш даражасини янада яхшилаш, замонавий табиий технологияларни жорий этиш ва беморлар учун қулай муҳит яратиш юзасидан тавсиялар берилди.

Ташаббус — амалиётда

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Гулжан Халмуратованинг Қорақалпоғистон Республикасидаги сайловчилар билан учрашувлари амалий натижаларга бой бўлди.

Халқ вакилининг аҳоли билан мулоқотлари давомида фуқаролар томонидан миллий санъатимизнинг ажралмас қисми бўлган жировчиликни ривожлантириш, уни қўллаб-қувватлаш бўйича тақлифлар илгари сурилган эди. Ушбу ташаббусни амалий жиҳатдан рўйбга қилиш мақсадида депутат томонидан грант лойиҳаларини ишлаб чиқишга қаратилган аниқ тақлиф ва тавсиялар берилди. Хусусан, "Art Karakalpakstan" маданият ва санъатни ривожлантириш ташкилоти томонидан "Устахона — миллий мерос" лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳа раҳбарининг мазкур гоёси депутат томонидан қўллаб-қувватланиб, уни янада тақомиллаштириш, грант маблағларини жалб этиш ҳамда давлат ижтимоий буюртмаси танловида қатнашиш бўйича амалий ва услубий қўмак кўрсатилди. Натижада ушбу ташаббус пухта ишланган лойиҳага айлантирилиб, давлат ижтимоий буюртмаси доирасида қолиб, деб топилди.

Лойиҳа доирасида Нукус тумани "Ақмангит" ҳудудида Марказий Осиё халқларининг миллий мусиқа асбобларини тайёрлашга ихтисослаштирилган замонавий устахона ҳам барпо этилмоқда. Унда кўбиз, долтур, чанковуз, гижжак каби миллий мулоқ асбобларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши режалаштирилган. Мазкур ташаббусни амалга ошириш учун давлат ижтимоий буюртмаси асосида маблағ ҳам ажратилди. Айни пайтда қурилиш ишлари якунига етказилиб, устахонани яқин кунларда фойдаланишга топшириш кўзда тутилган.

— Бу лойиҳа нафақат моддий инфратузилмани яратиш, балки миллий санъатни асраб-авайлаш, уни келажак авлодга етказиш, ёшларни миллий қадриятларга хурмат руҳида тарбиялаш ҳамда уларни замонавий касб-хунарларга йўналтиришга хизмат қиладди, — дейди депутат. — Бугунги кунда Қорақалпоғистонда 30 дан ортиқ профессионал жировлар фаолият юритмоқда. Янги устахона уларнинг ижодий фаолиятини янада кенгайтириш, ёшлар учун мустаҳкам ўқув-амалий база яратиш имконини беради.

Учрашувлар давомида депутат мазкур лойиҳа ижроси билан жойига чиққан ҳолда танишиб, қурилиш жараёнини юқори сифатда амалга ошириш бўйича зарур тавсиялар берди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



ТАЛАБАЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабалари билан учрашув ўтказилди.

Мулоқотда давлатимиз раҳбарининг ёшларга қаратаётган доимий эътибори уларнинг эртанги кунга ишончини, ўз куч ва имкониятларига қатъият янада мустаҳкамлаётгани алоҳида таъкидланди.

Учрашувда депутатлар талабаларга қуйи палата, сиёсий партиялар фракциялари, кўмиталар, комиссиялар ҳамда Ёшлар парламенти иш фаолияти ҳақида маълумотлар бериб ўтди.

Таъкидланганидек, Қонунчилик палатасида фаолиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш борасида янги тизим асосида иш ташкил қилинган. Президентимизнинг Олий Мажлис палаталаридаги нутқларида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, палатанинг кенг қиррали фаолиятини бирдек кенг жамоатчиликка етказиш бўйича янги, замонавий медиа-усуллар жорий этилган.

мунтазам ёритиб борилмоқда. Айниқса, кенг аудиторияга эга интернет тармоқларда палата фаолиятини оддий ҳамда оммабоп шакл ва мазмунда тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилади.

Палата мажлислари унинг расмий веб-сайти орқали жонли эфирга узатилади. Ўз кенг жамоатчилик вакилларининг палатада қонун лойиҳаларини муҳокама этиш ва қабул қилиш жараёнига қизиқишини янада оширмоқда.

Учрашувда Қонунчилик палатасидаги янгиликларни ёритишда ОАВ вакиллари билан ҳамкорлик қилиниши, бўлажак журналистларга палата фаолиятини ёритишда халқчилик, таҳлил ва таъсирчан услублар, замонавий коммуникация форматларидан кенг фойдаланиш, ахборот тўғрисида ҳамда ҳалиги етказиш бўйича зарур тавсиялар берилади.

Мулоқотда ёшлар Қонунчилик палатасининг Матбуот хизмати фаолияти билан ҳам танишиб, ўзларини қизиқтирган барча саволларига батафсил жавоб олди.

«Халқ сўзи».

ШАФФОФЛИК, АДОЛАТ ВА РАҚАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР

Яқинда давлатимиз раҳбари раислигида коррупциянинг олдини олиш бўйича ишлар натижадорлиги ҳамда келгусидаги устувор вазифаларга бағишланган кенгайтирилган йилги бўлиб ўтди.

Нуктаи назар

Сир эмас, ҳар қандай давлатнинг тараққиёт йўлида энг катта тўсиқ ва ров, бу — коррупция. Бугунги кунда дунёдаги ҳеч бир мамлакат коррупция муаммосидан тўлиқ холи эмас.

Эндиликда коррупцияга қарши кураш фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар зиммасидаги вазифа эмас. Бу ҳар бир вазирлик, идора, ҳокимлик ва давлат таъкилотлари фаолиятининг ажралмас қисмига айланмоқда.

Фавкулдда ҳолат — мурасасизлик белгиси

Афсуски, порахўрлик ва коррупция ўзбек жамиятининг ривожланишига, хусусан, демократик янгилашни ҳамда модернизациялаш жараёнига ҳар жиҳатдан халақит бераётган. Гарчи бу масала узок йиллардан бери таъкидланиб, «қўлга тушган» амалдорлар оммавий ахборот воситалари орқали фош қилинаётганига қарамасдан, айрим суд, прокуратура ва идоралар мансабдорларининг қон-қонига сингиб кетган тамагирилк, бюрократия жамиятимиз ҳаётидан йўқолиб кетмапти.

Қонун устуворлиги ва унинг самара бериши, коррупцияга қарши кураш натижадорлиги сизу бизга, барчамизга, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданияти юксалишига ҳам бевосита боғлиқ. «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуннинг 3-боби «Коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш» деб номланган, унда коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш, давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ўқув муассасаларида коррупцияга қарши курашиш йўналишидаги ҳуқуқий таълим ва тарбия масалалари устувор вазифа эканлиги белгиланган.

Президентимизнинг жорий йилда коррупцияга қарши курашда «фавкулдда ҳолат» йили сифатида белгиланган ташаббуси жамоатчилик томонидан катта қизиқиш ва қўллаб-қувватлаш билан кутиб олинди. Бу ибора шунчаки шiori эмас. У бутун давлат бошқаруви тизими, мансабдорлар ва жамият учун жиддий сигналдир. Яъни бундан буён коррупцияга нисбатан мурасасиз бўлиш шарт. Эндиликда ҳар қандай қонунбузарликка қатъий чора қўрилади, масъулият янада кучайтириб борилади.

Мазкур ёндашув бир неча устувор вазифаларни белгилаб бермоқда. Жумладан, давлат хараидлари ва бюджет харажатларининг тўлиқ шаффофлигини таъминлаш, барча хизматлари рақамли шаклга ўтказиш орқали инсон аралашувини кескин қисқартириш, мансабдор шахсларнинг даромад ва мол-мулкни очиклаш тизимини кучайтириш, жамоатчилик ва ОАВ назорати кенгайтириш, «коррупцияга қарши тоқатсизлик» тамойилни амалда таъминлаш шулар сирасига кирди. Ушбу чора-тадбирлар коррупцияга қарши курашни оддий маъмурий жараёндан стратегик, миллий аҳамиятга эга ҳаракатга айлантирмоқда.

ЕР ОСТИДАГИ НОЁБ ХАЗИНА

ёхуд стратегик металллар ва минераллар бозорида Ўзбекистоннинг позицияси қандай?

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бугунги кунда геологик қидирув ишлари борган сари жаддаллашиб, янги босқичга чиқмоқда. Агар мавжуд имкониятлардан самарали фойдалансак, давлатимиз стратегик ресурслар экспортида ҳам муҳим ўрин эгаллаши турсан гап. Айнан шу нуктаи назардан қараганда, 16 март куни Президентимизнинг Олмалик кон-металлургия комбинатига ташрифи соҳанинг бугунги ва эртанги истиқболни белгилаб берган муҳим воқеа бўлди.

Акс садо

Ўтган 2025 йилда Президентимиз қарорига мувофиқ «хомаш» қайта ишлаш — илм ва технология — тайёр маҳсулот» заنجирини кенгайтириш йўналишида икки йиллик дастур қабул қилинди. Унга кўра, 1,6 млрд. долларлик 71 та лойиҳа бўйича иш бошланди. Олмалик кон-металлургия комбинатидаги ислотхотлар ҳам шу стратегиянинг амалий ифодасидир.



Комбинатнинг асосий мақсади — юртимизнинг саноат учун муҳим минерал ресурсларини чуқур қайта ишлаб, юқори қўшилган қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқариш, шу орқали ички бозорни таъминлаш ва ташқи бозорга рақобатбардор маҳсулот чиқаришдир.

Халқаро интеграция ва миллий манфаат

Ўзбекистоннинг имкониятлари халқаро миқёсда ҳам эътироф этилмоқда. Канадада бўлиб ўтган Камбё эр элементлари уюшмасининг халқаро анжуманида ЎзТМК мутахассислари ҳам қатнашди.

билан мамлакатимиз дунёнинг энг йирик камбё эр металлари саноати тармоғига қўшилди.

Европа Иттифоқи ҳамда Япония, Жанубий Корея, Туркия, Германия, Хитой каби давлатлар билан изчил ҳамкорликка эришилган. Мисол учун, ЕИ мамлакатлари учун литий ва кобальт каби элементлар устувор аҳамиятга эга.

Япония ва Корея Республикаси билан ҳам ҳамкорлик янги босқичга чиқяпти. Улар юртимизда юқори технологияли қайта ишлаш заводларини қуришга қизиқиб билдирмоқда.

Туркия, Германия, Финляндия ва Хитой компаниялари билан геология-қидирув, минералларни бойитиш, гидрометаллургия, пирометаллургия лойиҳаларини техник иктисодий асослаш ҳамда замонавий технологияларни етказиб бериш бўйича ҳамкорлик алоқаларини олиб бораётиз.

Мутахассис тайёрлаш масъулияти

Юртимизда ноёб ва технология металллар соҳасини ривож-

лантириш йўлида амалга ошири-лаётган ислотхотлар нафақат ишлаб чиқариш тармоқларини, балки таълим тизимини ҳам қамраб олмақда. Тоғ-кон саноатида ҳозирда 120 мингдан зиёд мутахассислар фаолият юритмоқда.

Бу йўналишдаги муҳим кадамлардан бири — Технологик металллар олий мактабининг ташкил этилиши бўлди. Ўзбекистон технология металллар комбинати томонидан очилган олий мактабимиз металлургия, геология, кимё ва нанотехнология соҳаларида илмий салоҳиятли мутахассислар тайёрлашга иктисодлаштирилган.

Юртимизда ноёб ва технология металллар соҳасини ривож-

қийди ва битирувчилар иш билан таъминланади.

Масаланинг яна бир томони, Ўзбекистон ўз ресурсларидан самарали фойдаланиш билан бирга, халқаро стандартларга мос равишда экологик хавфсизликка жиддий эътибор қаратаётгани билан ҳам ажралиб туради. Юртимизда қатор экологик талаблар жорий қилинмоқда.

Стратегик металллар ва минераллар — бугунги тамаддун ҳамда келажак тараққиётининг асосий кали-ти. Энг муҳими, Жаҳон иктисодиётида алоҳида ўрин тутаётган ушбу ресурслар билан боғлиқ глобал рақобат шароитида Ўзбекистон ҳам ўз салоҳиятини юзага чиқариш учун қатъий қадамлар қўйиб, стратегик позициясини мустаҳкамлашга интиломоқда.

Ўрол ЮСУПОВ, Ўзбекистон Республикаси тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ўринбосари.

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ САМАРАСИ

Урганч шаҳридаги «UzXCMG» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасида бугунги кунда гилдиракли ва занжирли экскаваторлар, грейдерлар ва бошқа 50 хил турдаги қудратли техника воситалари ишлаб чиқарилмоқда.

Интилиш

Корхонада ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши бундай муаммоларга ечим топиш баробарида, ҳудуднинг иктисодий салоҳиятини юксалтириш, ирригация ва мелiorация тадбирларини ўз вақтида самарали амалга

оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. — Корхонамизда шу кунгача 1 970 донна махсус техника, жумладан, экскаваторлар, бульдозерлар, асфальт зичловчи катколлар, юк орттичлар, автогрейдер, йўл фрезаси ишлаб чиқарилди.

наётган техника воситаларининг таннари пасайишига, рақобатбардорлигини таъминлашга, қўшма иш ўринлари яратиш, импортни камайтириш орқали валюта ресурсларини тежашга имкон бермоқда.

Марказий Осиёда ягона бўлган ушбу корхона маҳсулотларига нафақат ички бозорда, балки қўшни мамлакатларда ҳам талаб катта. Шу боис яна янги турдаги техника воситалари ишлаб чиқариш, экспорт имкониятларини кенгайтириш чора-тадбирлари қўриляпти.

Одилбек ОДАМБОВ («Халқ сўзи»).

САВДО, ЛОГИСТИКА ВА ТИББИЁТ МАРКАЗИ

Самарқанд вилоятининг Тожикистон Республикаси билан чегарадош «Жартена» чегара ўтказиш пункти яқинида «Ўзбекистон — Тожикистон савдо, логистика ва тиббиёт маркази» ташкил этилмоқда.

Қулайлик

Умумий қиймати 30 миллион долларга тенг ушбу лойиҳага кўра, ҳудудда логистика маркази, 400 та савдо нуқтаси фаолияти йўлга қўйилиб, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тожикистонликларга тақдир қилинади.

Йилига 1,5 миллион ки-

шига хизмат кўрсатишни кути-лаётган ушбу марказда мингта иш ўрни яратилиши, йилига 5 миллион долларлик экспорт амалга оширилиши кутилмоқда.

Шу билан бирга, ушбу лойиҳадан замонавий тиббиёт марказ ҳам ўрин олади.

«Халқ сўзи».

ҚИСҚА сатрларда

● 27 март — Халқаро театр куни муносабати билан 21-27 март кунлари Ўзбекистондаги барча давлат театрларида «Театр томошалари ҳафталиги» бўлиб ўтди.

● Футбол бўйича «FIFA Series — 2026» турнири доирасида Ўзбекистон миллий терма жамоаси Габон термаси билан ўйнади.

● Шу йилнинг 30 мартдан «Asiana Airlines» авиакомпаниясининг Сеул — Тошкент — Сеул йўналиши бўйича мунтазам парвозлари тикланади.

● Тошкентда «Made in Afghanistan Expo — Tashkent 2026» халқаро кўргазмасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

● Адлия вазирлиги томонидан тизимда 2025 йилда амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар ва олданда турган вазифалар бўйича матбуот анжумани бўлиб ўтди.

● Индонезиянинг нуфузли «Kalimantan Post» газетисида Имом Мотуридид меросига доир мақола чоп этилди.

● Филиппинда велотрек бўйича Осиё чемпионатининг эркаклар ўртасида ўтказилган «Elimination» дастури пойма бахсларида терма жамоамиз аъзоси Никита Светков бронза медалига эга чикди.

● Маҳаллаларда самарали фаолият олиб бораётган ҳамда ёшлар билан ишлаш тизимига энг юқори натижаларни қайд этган ёшлар этикчилари «Маҳалла ифтихори» кўкрак нишони билан мукофотланди.

● Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳридаги болалар-ўсмирлар спорт мактабининг академик эшак эшиш базасида «Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз, биз гиёҳвандликка қаршимиз!» шиори остида оммавий спорт тадбири ташкил этилди.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан тақдим қилинган маълумотларга кўра, 2025 йилда мамлакатимизда 135 мингдан ортиқ янги хонадонлар фойдаланишга топширилди.

